

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳукукида

УДК:336.1:338(575.16)

ИСЛАМОВ ШАМСИДДИН ШАРОФИДДИНОВИЧ

ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА РАҚОБАТБАРДОШ
МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ
(SIRKECHI-TASHTEKSTEL MCHJ XORIJ KORXONASI MISOLIDA)

5A230201–Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий рахбар:

“Менежмент” кафедраси доц., Агламова Т.К.

Тошкент-2019

Ушбу магистрлик диссертация ишида енгил саноат корхоналарида ракобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг объектив зарурлиги ва аҳамияти, енгил саноат корхоналарида ракобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, енгил саноат корхоналари ракобатбардошлигини баҳолаш услуби ва иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, енгил саноат корхоналари ракобатбардошлигини баҳолаш услубини такомиллаштириш, енгил саноат корхоналарида ракобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш истикболлари ёритиб берилган.

Тадқиқот жараёнида енгил саноат корхоналарида ракобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган. Олиб борилган таҳлиллар натижасида енгил саноат корхоналарида ракобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.


In this dissertation the dissertation is focused on the urgent need and importance of expanding the production of competitive products at light industry enterprises, the organizational and legal basics of expanding the production of competitive products at light industry enterprises, the methodology and cost-effectiveness of light industry enterprises competitiveness assessment, improving the methodology of evaluating the competitiveness of light industry enterprises, increasing the efficiency of competitive production at industrial enterprises and its development perspectives.

During the research, the current status of expanding the production of competitive products at light industry has been analyzed. As a result of analyzes, recommendations and proposals on improving and improving the efficiency of competitive production at light industry enterprises have been developed.

Магистрлик диссертация иши “Менежмент” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

12 - сонли баённома «18» май 2019 й.


Кафедра мудири


(и.ш.ф.)

ИМЗО


сана


Илмий раҳбар:


(илмий раҳбар и.ш.ф.)



ИМЗО сана

Такризчи:


(такризчи и.ш.ф.)


ИМЗО сана

Магистрант:


(магистрант и.ш.ф.)


ИМЗО сана

МУНДАРИЖА		Бетлар
	КИРИШ.....	4
I БОБ.	ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	11
1.1.	Енгил саноат корхоналарида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг объектив зарурлиги ва аҳамияти.....	11
1.2.	Енгил саноат корхоналарида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг ташкилий-ҳукукий асослари.....	24
	1-боб бўйича хулосалар.....	40
II ВОВ.	ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИНИ ТАҲЛИЛИ.....	42
2.1.	Sirkechi-Tashtekstel МСНҲ хориж корхонасида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш.....	42
2.2.	Sirkechi-Tashtekstel МСНҲ хориж корхонасида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг амалдаги ҳолатини таҳлили.....	57
2.3.	Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини баҳолаш услуби ва иқтисодий барқарорлигини таъминлаш.....	65
	2-боб бўйича хулосалар.....	77
III ВОВ.	ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	77
3.1.	Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини баҳолаш услубини такомиллаштириш	77
3.2.	Енгил саноат корхоналарида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш истиқболлари	85
	3-боб бўйича хулосалар	97
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	99
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	104
	ИЛОВА	110

Кириш

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Жаҳон иктисодиёти ривожланишининг hozirgi боскичида саноат корхоналарида халқаро стандартларга мос равишда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Енгил саноат корхоналари маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш учун бошқарув механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар шароитида енгил саноат корхоналарининг бошқарув механизмининг такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш..."¹ вазифалари белгиланган. Бу каби устувор вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши республикамиз енгил саноат корхоналарида бошқарув механизмининг такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишни тақозо этади. Шу жиҳатдан, енгил саноат корхоналарида корпоратив бошқарув механизми самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг маълумотларига биноан, енгил саноат ҳиссасига дунё саноат ишлаб чиқаришининг 5,7 %, банд бўлганларнинг 14,0 %дан ортиқроғи тўғри келади. Сўнгги 15 йил давомида тўқимачилик материаллари ва кийим-кечак истеъмол қилиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-1947-сон қарори.